# Халқ донишмандлиги ва соғлом фикр экстремистик жаҳолатга қарши

(Боши 1-бетда)

Бу ёш йигитча ҳаётнинг ҳар лаҳзасидан қувона билади. Туялари ва атрофидаги табиат тўғрисидаги билимлар унга қувонч ва ишонч бағишлайди. У шўрхок билан курашишни, яйловни танлашни яхши билади, ўзида «катта маълумотлар банки», бугунги кун тили билан айтганда, ўзи билган бу маълумотларни дўстлари ва ҳамюртлари билан баҳам кўришга тайёр. Ёш йигитдаги бу бағрикенглик ва ақлга фақат ҳавас қилиш мумкин. У ҳали олий маълумот олгани йўқ. Лекин у билан суҳбатлашганда, бу ўсмир ҳеч қачон, ҳар қандай пулга Ватанини, туғилган овулини ва халқини сотмаслигига, улар фаровонлиги учун бутун умрини бағишлашига, ён-атрофидаги ҳаёт яхши бўлиши учун бор куч-ғайратини ва малакасини сарфлашига ишонч туғилади.

Кўплаб қорақалпоғистонликлар каби ёш чўпон ҳам, албатта, хавотир билан сўради: «Андижонда нима бўлди?»

Ўша кунлари барча фақат Президентнинг чиқиши ва журналистларнинг саволларига берган жавоблари билан яшарди. Ҳамма хорижлик журналистлар ва сиёсатшуносларнинг уйдирмаларига ишонмасликларини айтди.

Шу ерлик бир корейс қиз, уни ҳамма кўпинча қорақалпоқ деб ўйлашларини, бу билан у фахрланишини, ўзи шу ерда туғилиб ўсганини айтди. У бу халқнинг кўтаринки кайфиятини, унинг қадрдон ўлкасида шароит қанчалик оғир бўлишига қарамасдан, уни ҳеч нарсага алмашмаслигини, жаннатнинг ҳеч бир ваъдаларига ишонмаслигини яхши билади. Мана, кимдан садоқат ва ватанпарварликни ўрганиш керак.

— Нега хорижий журналистлар тинч ҳаётнинг ҳақиқий қадрини билувчи оқсоқоллардан интервью олишни исташмайди? — деб ёрилди ёши улуғ суҳбатдошларимдан бири. — Ахир, улар ҳаётдаги муаммоларни билишади-ку, лекин уларни асосий деб ҳисоблашмайди.

У қандайдир келгинди миссионерлар унинг неварасини сектага аъзо бўлишга даъват қилишгани ҳақида сўзлаб берди. Ушбу одамлар ўз дини пайғамбарларининг бошқалардан яхшироқ эканига ишонтиришга ҳаракат қилишган. Эмишки, шунинг учун ҳам уларнинг мамлакатида одамлар бахтли яшармиш. Гўёки улар бахтли ҳаёт кечираётганларнинг намоёндалари бўлиб, ҳеч куч сарфлашмаса-да, ораларида бахтсиз ва қашшоқлар йўқ, барча бой-бадавлат яшайди. Шундай экан, бундай наф бермайдиган динга итоат қилишга арзийдими?

Бунга донишманд оқсоқол юмшоқлик билан халқимизнинг «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур» деган мақолини эслатиб қўйди. Агар ўша дунёда барча шунчалик бахтли яшаса, у мамлакатда норозилик намойишлари, қонли зиддият ва бошқа фожиалар қаердан пайдо бўляпти? Нима учун улар урушларга барҳам беришолмайди ва бошқа давлатларда ўзига яхшироқ тақдир излаб юрган қочқин юртдошлари ҳақида ҳикоя қилишмайди? Ва нега уларнинг айнан узоқ қорақалпоғистонликларга нисбатан бехосдан меҳри тушиб қолди? Шунда у невараларига, айнан аждодлардан мерос эътиқодга садоқат туфайли сермазмун умр кечирганини, Иккинчи жаҳон уруши қирғин-баротидан соғ-омон қайтиб, шунча фарзанд ва невара ўстирганини айтди.

Ана шу тобланган ва бақувват неваралар қария сўзининг исботидир. Унинг оддий ва доно сўзлари шунчалик ишончли эдики, ҳатто бу «меҳрибонлар»ни жойида мот қилди.

* * *

Японияга ҳар бир сафар, унинг меҳнатсевар халқи билан учрашувлар ушбу ажойиб мамлакат ҳақида янги таассуротлар туғдиради ва фикрлашга чорлайди. Бу — ақл бовар қилмайдиган тафаккур парвози ва уларнинг инсон қўли билан ҳақиқатга айлантирилиши уйғунлашган (тезкор магистраллар, нафис шакллар ва энг илғор техника ютуқларини мужассамлаштирган ажойиб иншоотлар) шаҳарлар мамлакатидир.

Ҳатто, бугунги кун ва келажакнинг глобал долзарб муаммолари мавжуд бўлишига қарамай, бу мамлакатдаги барча нарса инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатлари уйғунлиги билан лол қолдиради. Япониялик деҳқоннинг ернинг ҳар бир парчасида ҳормай-толмай, бутун вужуди билан ишлашини кўрибгина ҳар бир японнинг давлат тараққиётига қўшаётган ҳиссасига баҳо бериш мумкин. Буларнинг барчасини инобатга олиб, ўз фаровонлигини ошириш учун халқ қурган, бу тараққий этган давлат ва намунали жамиятни тасаввур қилиш мумкин.

Японияга ҳар бир сафар — бу масъулиятли имтиҳон ҳамдир. Кунчиқар давлатда олимлар, мусаввирлар, санъат арбобларининг обрўйи жуда баланд.

Бу галги сафар — Япон сураткашлар жамияти билан биргаликда икки йил давомида Токионинг нуфузли кўргазма залларида фотокўргазмалар ташкил этиш бўйича ўтказилган тайёргарлик ишлари якуни бўлди. Ўзбек бадиий фотосурат усталарининг ишларини намойиш этиш, айниқса, масъулиятли эди. Чунки япониялик томошабин нафақат юқори технологиялар, балки санъатдаги энг илғор ютуқлар билан ҳам жуда яхши таниш. Уларда ушбу фаолият билан боғлиқ кўплаб ўқув муассасалари, музейлар ва коллекциялар тармоғи мавжуд. Масалан, Токиодаги энг йирик Метрополитен-музейда баъзи замонавий фотосуратлар қадимий санъат асарларидан юқори баҳоланади.

Жорий йилнинг май-июнь ойларида ўзбек сураткашларининг «Сув — бу ҳаёт», «Нур ва соя поэзияси», «Талаб қилингунча», шунингдек, каминанинг «Ўзбекистон ҳунармандлари» вернисажлари бўлиб ўтди. Бадиий фотосуратлар туркумида Андижон, Қўқон, Денов, Самарқанд, Шаҳрисабз, Хива ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари халқ усталари ишлари ва турмушлари намойиш қилинди.

Тақдимот ва матбуот анжуманида йиғилган Японияning нуфузли нашрлари, хусусан, Киодо Цусин агентлиги, «Майничи» газетаси ва бошқаларнинг вакиллари фотосуратлар сифатига ва муаллифлар усталигига юқори баҳо беришди, сюжет ва деталлар билан қизиқишди.

Олинган таассуротлар асосида халқимизнинг нақадар меҳнатсевар ва қўли гул эканлиги, олдимизда ётган лой ва тошдан мўъжиза ярата олиши эътироф этилди.

Ва шу жойда кутилмаганда мавзудан ташқари бир савол берилди: шунчалар меҳнатсевар Андижон халқи қандай қилиб демократик руҳдаги мухолифатчилар бошчилик қилган очлик исёнини кўтариши мумкин?

Мазкур саволга бу айнан очлик исёни деган маълумотни қаердан олганлигини сўрадим. Ахир «оч қолган оломон» бозор, озиқ-овқат дўкони ёки омборларга ёпирилиши керак эди-ку? Аслида эса улар қўлда қурол билан қамоқхонага ҳужум уюштирди ва у ердан жиноятчиларни чиқариб юборишди, кейин эса милицияга тажовуз қилишди, маъмурий биноларни эгаллаб олишди. Йўқ, хизмат ўтаётган ўсмирларни ўлдирганлар, вилоят драма театридек маънавият ўчоғини ёқиб юборганлар асло оч оломон эмасди. Очлик бўлган тақдирда ҳам, бу мутлақо бошқача очлик — ҳокимиятни эгаллаб олишга, куч, қўрқитиш, таҳдид билан имкони борича кўпроқ одамларни ўзига бўйсундиришга ташналикдир.

Хорижий ОАВда «озодлик ва халқ фаровонлиги учун курашчилар» деб таърифланган, халқимиз эъзозидаги энг мўътабар нарсаларга чанг солган бу кимсалар қандай қилиб худди ўша нарсаларнинг ҳимоячиси бўлиши мумкин? Бу фикр шу қадар тутуруқсизки, ҳеч қайси мантиққа сиғмайди. Чунки халқимиз бунақа меҳрибонларсиз ҳам асрлар давомида яратган моддий ва маънавий қадриятларини эъзозламоқда, асрамоқда ва ҳеч қачон театрлар, кутубхоналар, ибодатхоналар — масжидлар ва черковларни бузмаган, йўқ қилмаган.

Қандай қилиб, ўзи кўрмаган ва ҳеч бир ишончли манба билан тасдиқланмаган нарса ҳақидаги миш-мишларни ҳақиқатга йўйиш мумкин? Ахир япон журналистлари ҳамиша манба танлашга жиддий ёндашиши билан ажралиб турар эдилар-ку. Ахборот ишончли ва текширилган бўлиши лозим — бу халқаро журналистиканинг муқаддас қонуни-ку!

Яна японларга хос соғлом фикр устун келди. Ўтирганлардан бири кутилмаганда суҳбатдошимизга асосли ва умуман олганда, ўринли савол берди:

— Токио метросида ва бошқа жойларда мутлақо бегуноҳ инсонларнинг заҳарланиши ва ўлимига олиб келган терактларни амалга оширган «Аум-сенрикё» сектаси вакилларини демократия ва озодлик курашчилари деб аташ мумкинми?

Бу саволга жавоб йўқ эди.

Японларда Ўзбекистонга хайрихоҳлик ва қизиқиш катта. Кексароқ япон эр-хотин суҳбат чоғида Ўзбекистондан келаётган хабарларни хавотир билан кузатишаётганлигини ва бу ижтимоий тўлқинлар бутун мамлакатни қамраб олган, деган нотўғри тасаввурда эканлигини билдиришди.

Уларга бор гапни айтиб бердим ва табиийки, ўзларидан саккиз минг километр узоқликда жойлашган бизнинг мамлакатдаги воқеалар уларни бу қадар хавотирлантираётганлигининг сабабини сўрадим.

Улар қайсидир аждоди Ўзбекистонга дафн этилганлигини ва шу бобосининг қабрини зиёрат қилиш учун у ерга бормоқчи эканлигини айтишди. Бу ёқимтой японлар ўзбек халқи ўзгаларнинг зиёратгоҳларига эҳтиром билан қарашини билишларини алоҳида таъкидлаб, Ўзбекистон атрофида шакллантирилган ёлғон информацион босимдан таассуфда эканлигини билдиришди.

Япон гўзаллик шайдолари билан суҳбатни хаёлан давом эттирарканман, бошига тушган фожиадан жабрланган рассомлар, ҳақиқий андижонликлар Ўзбекистон Бадиий академиясига бир ташаббус билан мурожаат қилганларини эсладим. Улар қатор хорижий давлатларда кўргазмалар уюштириб, бу ажойиб шаҳарнинг оддий одамларининг ҳақиқий ҳаёти билан таништириш бўйича мурожаат қилишди. Бу Ўзбекистондаги энг кекса театрлардан бирига ўт қўйган, ёнғинни ўчиришга ҳаракат қилганларни ўлдирган кимсаларга, олдиндан тайёрланган андаза билан зўр бериб ёлғон манзарани чизаётганларга ҳам Андижон рассомларининг муносиб жавоби бўлади.

* * *

Халқ «Ҳар нарсанинг илдизига боқ» деб бекорга айтмаган. Бу учрашувнинг чойхонада, кексаларнинг одатий йиғиладиган жойида ўтгани ҳам рамзий маънога эга. Қашқадарё бошланадиган сарчашма бўйидаги ўша чойхона ҳам тоғли Ғилон қишлоғида жойлашган. Бу ердаги кекса бир дарахт ёнида 20-йиллардаги коллективлаштириш даврида шу қишлоқлик 81 киши отиб ташланган. Бу ерда Ғилон кайвонилари тўпланадилар. Улар хотираларида ҳамма муҳим воқеаларни — қайғули ва қувончли дамларни ҳам асраб келадилар.

Чойхонада кексалар 1988 йилда Ислом Каримов Қашқадарё вилоятининг раҳбари бўлган пайтда у билан учрашишган хонани «Ислом Каримов хонаси» деб аташади.

Ўшанда Ислом Абдуғаниевич туман раҳбари диққатини чоллар илтимосини бажаришга — дарҳол чойхонага ойна қўйиб, телефон ўрнатишга қаратган эди. Оқсоқолларнинг гапига қараганда, у ваъда бажарилмаса, чоллар вилоят раҳбари айтган гапини эсдан чиқарди деб ўйлашини, у эса ҳеч қачон ўз ваъдасини унутмаслигини таъкидлаган. Ғилонлик чоллар бугун ҳам Президентимизнинг бундан 18 йил олдин айтган барча гапларини — кимга нима деганини ёдда тутишади.

Яна бир қизиқ жиҳат — барча кайвонилар темир учли таёқ кўтариб юришади. Қишлоқдаги 15 темирчининг ҳар бири шундай темир ясаб беришга тайёр. Чолларнинг таъкидлашича, бу таёқлар айрим пайтларда оёқ остидан чиқиб қоладиган ва бало-қазо келтирадиган газандани ҳайдашга, ҳатто ўлдиришга керак бўлади. Улар таёқларда илоҳий куч йиғилади деб ўйлайдилар. Таёқлар бир-биридан қувват олиши учун чойхона олдига чоллар уларни ёнма-ён териб қўйишади. Ғилонлик оқсоқоллар эзгулик ёвузликдан устун эканлигига асло шубҳа қилишмайди.

Кўчаларда кўплаб бобойларни учратган бўлсак-да, қишлоқ маданият уйида ўтган учрашувда улар кўринмадилар. Маълум бўлишича, чоллар ҳар қандай янгиликни аввало ўз чойхоналарида муҳокама қилишар, хабарларни бир-бирига етказиб, бир маслаҳатга келишар экан. Биз ҳам учрашувдан сўнг улар ёнига — «Бобойлар чойхонаси»га бордик ва кўп қизиқ нарсалардан хабардор бўлдик.

Масалан, улар тоғларга жуда кўп одам келишини айтишди. Чунки бу ерларда етиштирилган картошкалар ғоят ширинлиги билан машҳур. Улар булоқ сувига қонади. Андижон воқеалари ҳақида ўз уйдирмаларини тарқатаётган хорижий телевизион журналистларга ўхшаган ўша кимсалардан ҳам турли сафсата ва ёлғонларни эшитиш мумкин. Улар баъзан ғилонликлардан ерларини сотишни сўрашаркан. Бу илтимосларга ғилонликлар — «Марҳамат, меҳмонга келинг, аммо биз ҳеч қачон сизларга ер сотмаймиз, чунки минг йиллардан буён бу бизнинг еримиз», деб жавоб беришар экан.

Ғилон бобойлари «Биз Президентимизга қаттиқ ишонамиз ва у кишининг ҳам биздан доимо кўнгли тўқ бўлсин. Биз бу жиноятчилар Андижонга қаердан келиб қолганини билмаймизу, аммо ҳеч бир ғилонлик Ватанини, ўзи туғилган ва яшаётган, боболари хоки ётган ерни сотмайди», дейишди.

Қашқадарё вилоятида иккинчи ватанини топган қамашилик рус аёли билан яна бир қизиқ суҳбат бўлди.

Унинг Толлимаржон ГРЭСида ишловчи ўғиллари маслаҳат сўраб, мурожаат қилишибди. Онанинг айтишича, нотаниш одамлар пулини тўлаш шарти билан ўғилларидан қандайдир анкетани тўлдириб беришини илтимос қилган экан.

Аёл ўғилларига, одатда, пул бажарилган иш учун берилади. Ҳеч ким бекордан-бекорга пул бермайди, деб жавоб берибди... У тарбияси бекор кетмаганидан, ўғиллари ҳушёрлик кўрсатиб, масалани ўзлари ҳал этмасдан, онаси билан маслаҳатлашганидан боши осмонда.

Ўйлашимча, бу анкеталар турли чет эл хизматларининг кўплаб социологик сўровларидан бири бўлса керак. Негадир улар асрлар бўйи бошқа қонун-қоидалар бўйича ривожланган халқларнинг ҳаётига аралашишга ҳаққим бор деб ҳисоблайди ва бу халқ ҳақида ўзининг ёт қарашлари билан фикр юритадилар.

Бояги аёл социологик сўровнома техникаси билан, табиийки, нотаниш эди. Бу эса ҳар қандай соғлом ақлли инсонда савол туғдиради.

— Бизнинг хотиржам ҳаётимизга ҳар хил йўллар билан кириб келиш ва аралашиш тинчликни бузса, менинг ўғилларим умрига хавф-хатар туғдирса, унда тинчлик ва осойишталикдек муқаддас туйғу қандай пул билан ўлчанади? Ахир экстремистлар Андижонда фойдаланган қуроллар жуда катта пул туради, демак, уни кимдир, қаердандир олиб келган. Одамларни ҳозир шунчаки алдаб бўлмайди. Бизнингча, халққа ва унинг осойишталигига қарши амалга оширилган жиноят учун яхшигина маблағ тўланган, — деди менинг суҳбатдошим. Ва суҳбат сўнггида тожик тилида яна қўшимча қилди:

— Бу — менинг Ватаним, фарзандларим ҳам, набираларим ҳам шу ерда туғилган, шу атрофдаги одамлар билан мен бахтиёр яшаяпман. Ҳаётда қийинчиликлар ҳам бўлиб туради, аммо мен бир нарсани тушунмайман: шу заминга ва шундай меҳмондўст халққа қандай хиёнат қилиш ва уни сотиш мумкин?

У маҳаллий йигитлардан бирига турмушга чиқди, ислом динини қабул қилди. Қуръонни мутолаа қилади ва уни қишлоқдошларидан кўра яхшироқ билади.

Қамаши тумани аҳолисини дунёдан бехабар деб бўлмайди. Қишлоқдагилар маҳаллий ва Россия телевидениесини тўла кўришади, дунё воқеаларидан тўла хабардор.

Менинг қашқадарёлик донишманд суҳбатдошларим Андижондаги фожиани юрагида оғриқ билан кутиб олишди. Ва бу кулфатда ўз айблари борлигини ҳам тан олишди. Ахир ота-оналар ўз фарзандларини бу бемаъни таъсир ва ташвиқотдан ўз вақтида ҳимоя қила олишмади.

* * *

Кўплаб одамлар билан учрашиб ва суҳбатлашиб, ўзим азалдан билган ва ишонган нарсага яна бир карра иймон келтирдим: халқимиз, хорижлик айрим «маърифатпарварлар» айтганидек, «унутилган ва хўрланган», «қўзғолончи» эмас, балки ўта босиқ ва донишманддир. Қолаверса, бу халқ озод Ватанида барча мураккаблик ва муаммоларни ўз кучи, ақл-идроки билан ҳал этиб, ифтихор билан яшашга ҳақлидир.

Қариялар ва ўрта ёшли кишилар қатъиятидан Ватан мустақиллиги учун ўтиш даврининг барча мураккабликларини сабот ва ишонч билан енгиб ўтганлигини сезасан, киши. Яна 10-15 йилдан кейин мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти мазмунини ўз елкасига олувчи замонавий оламда ёшларнинг мўлжали қандай? Улар шу заминда нафақат яшаш, балки уни ҳар хил қора ниятли кишилардан ҳимоя қилишга тайёрми?

Ёшлар билан учрашганда мен ана шундай хавотир ва умиднинг қоришиқ туйғуларини ҳис этдим.

Шахсни шакллантириш масаласи жуда нозик масала эканлигини педагогик тажрибамдан яхши биламан. Шунингдек, яна яхши биламанки, бугунги кундаги «ранг-баранг» ва бошқа хилдаги инқилоблар океан ортидаги сиёсий технологларнинг калласида туғилиб, ҳар хил чақириқларга ўйламасдан қўшилиб кетадиган ёшларнинг иштирокида қўшни давлатларда амалга оширилди. Буларнинг оқибати, яъни ёшларнинг улкан сиёсатшуносларнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб қолганлиги кейин билинади. Мабодо бу ҳолат кейинчалик ҳам билинмаса, қандай вазият юзага келишини тасаввур қилаверинг. Ҳали турмуш қувончларини татиб кўрмаган, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам ҳаётини ҳимоя қилишни ўрганмаган ёшларнинг жонли бомбага айланишлари-чи?

Шу билан бир қаторда, соғлом фикрловчи ёшларнинг Ўзбекистон ҳақидаги ўлмас ишончи қон-қонига сингиб кетган. Оллоҳга шукрки, кўп ҳолларда бу нарса табиий тасдиғини топмоқда. Яккабоғ коллежида таълим олаётган ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувда талабалардан бири ўзининг етук дунёқарашини намоён қилиб, менга тўғридан-тўғри Андижон воқеалари тўғрисида савол берди.

— Нега хориж матбуоти турли-туман бўҳтонлар тўқиб турган пайтда бизнинг журналистларимиз фаол эмас? — сўради мендан тиришқоқ йигитча. — Нега бирортаси келиб, ҳеч бўлмаганда, телефон орқали биз каби қишлоқ аҳолисининг фикри билан қизиқмайди? Ахир биз ҳам бу мураккаб мавзуни муҳокама қилишга ва ўз муносабатимизни билдиришга тайёрмиз.

Ўқувчи қизлардан бири эскичасига ушбу мавзуда плакатлар тайёрлашни айтган катталардан кўра теранроқ экан. Албатта, бу қиз мустақиллигимизни қўлга киритганимиздан сўнг туғилган ва ўз ёши даражасида олдиндан шаклланиб қолган тушунчадан бехабар, лекин унинг юраги даврни тўғри англаган: ишонч ва тўғри тушунча одамларнинг юрагида бўлади.

Ҳақиқатда, содда кўринишдаги ташвиқотлар билан замонавий терроризм ва экстремизмга қарши туриб бўлмайди. Қолаверса, тиш-тирноғигача қуролланган янги воситалар инсон онгига кўпинча кучлироқ таъсир қилади.

Албатта, мукаммал, замонавий технологияларнинг ҳам ижобий ва салбий тарафлари бор. Ҳамма гап шундаки, террорчилар қўлидаги технология фақат уларнинг ғаразли манфаатларига хизмат қилади.

Ёшлар билан суҳбатларни ёдга олар эканман, тоғли Оролбўйидаги ёш чўпоннинг, оқил фикрловчи ёш қашқадарёликлар, қизиқувчан яккабоғликларни тасаввур қилдим. Президентимиз Мотамсаро она ҳайкали ёнида тарихга назар ташлай туриб, келажак ҳақида айтган гаплари ўша унутилмас учрашувларда мужассам топди. Телефон ва интернетлар нафақат тоғли яйловларда, балки ҳозирча мактаб ва баъзи коллежларда ҳам мавжуд эмас. Бундан ташқари, қишлоқ жойларида ҳам дунё билан алоқа суст, барибир Интернет бўлиши керак ва қизиқувчан ёшларимиз дунёнинг интеллектуал бойлигидан баҳраманд бўлишлари ва ёшлигидан ҳар қандай вазиятда тўғри хулоса чиқара олишни ўрганиш учун, иншолло, яқин келажакда бўлади ҳам. Янги авлодни асрлар давомида тўпланган ақл-заковатга бой маданиятимиз асосида дунё тараққиёти эришган ютуқлар билан уйғун ҳолда тарбиялаш лозим. Ислом Абдуғаниевич Интернет ҳақида сўз юритар экан, айнан шуни назарда тутди ва ҳар доимгидек бизни энг долзарб муаммоларни ҳал этишга ундади. Унинг ёшларга тилаклари — бу БМТ минбаридан туриб, кутилаётган терроризм ва экстремизм муаммоси ҳар қандай илғор ва кучли мамлакатларга ҳам таҳдид туғдириши мумкинлиги ҳақида, узоқни кўзлаб айтган гапларининг давомидир.

Биз халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида терроризмга қарши курашда ҳаракатларни бирлаштириб, нафақат сиёсий, иқтисодий, балки маданий, маънавий мустақиллигимизни ҳам ҳимоя қилишимиз ва авайлашимиз лозим. Фақат шундай йўл билан ахлоқий қадриятларимизни, ўзлигимизни террорчилик ва экстремизм хавфидан сақлаб қолишимиз мумкин, сохта демократия қандай либосга бурканмасин, ҳеч кимга, ҳатто энг яхши ниятлар билан бўлса-да, мамлакат ички ишларига аралашишга йўл қўйилмайди. Қўймаслиги зарур.

Халқ донишмандлиги ва соғлом фикр бу нозик ишда — бизнинг асосий таянчимиздир.

**Турсунали ҚЎЗИЕВ.**
**Ўзбекистон Бадиий академияси раиси,**
**К. Беҳзод номидаги рассомчилик ва дизайн институти профессори.**

(«Правда Востока», 2005 йил, 9 июл).




"Қоракўлтекс" қўшма корхонаси мустақиллик шарофати боис бунёд этилган йирик ишлаб чиқариш тармоқларидан биридир. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулот асосан хорижга экспорт қилинади.

СУРАТДА: ип йигирув цехи ишчиси Раҳима Рўзиева.

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

# Уйдирма ва ҳақиқат

(Боши 1-бетда)

АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари парвозларини чеклашга доир қарорлар Андижондаги фожиали воқеалардан анча илгари қабул қилинганлигидан "ҳамма нарсани билгувчи" хорижий "алломалар" бехабар қолганлиги таассуфли ҳол. Бундан ташқари, 2001 йилнинг 7 октябрида Хонобод аэродромини АҚШ қуролли кучларига Афғонистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар даврида қидирув-қутқарув ва гуманитар операцияларни олиб бориш учун фойдаланишга бериш тўғрисидаги битим ўз вазифасини ўтаган эди.

Битим имзоланиш чоғида ҳам, кейинчалик қуролли кучлар контингентининг Хонободда туриш муддатлари муҳокама этилганда ҳам, доимо бу масалалар Афғонистон шимолида ҳарбий операциялар ўтказиш билан бевосита боғлиқ ҳолда кўриб чиқилган. Ўзбекистон томони АҚШ қуролли кучлари контингентининг келгусида Ўзбекистон ҳудудида бўлишини кўриб чиқмаган. Демак, хорижий билағон "шарҳловчи"ларнинг аюҳаннос солишига, ғимирлаб қолишига асос йўқ – АҚШ ҳарбий базасининг Хонободда муқим қолиши, бу ерда ўтроқ бўлиб туриб қолиши учун ҳам ҳеч қандай асос йўқ!

Учинчидан, АҚШ расмийлари бундан икки йилдан зиёд вақт илгари – 2002 йилдаёқ Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларнинг асосий босқичи муваффақиятли якунлангани хусусида баёнот беришганди. Савол туғиладики, кўзланган мақсадга эришилгандан сўнг, АҚШ ҳарбий базасининг Хонободда яна узоқ қолиб кетишидан мақсад нима? Албатта, бу оддий савол, оддий ҳақиқатда кўплаб оддий кишилар, хусусан, хонободликларнинг эътирози сингиб кетган эди.

Тўртинчидан, Афғонистонда нисбатан тинчлик ва осойишталик қарор топгач, афғон халқи ўз Президентини сайлаб, ҳуқуқий давлатини тиклагач, АҚШ Афғонистонга нисбатан яна қандай операциялар қўллаяпти, қачонгача ҳарбий ҳаво кучлари бизнинг тинчлигимизни бузади, деган саволларга 900 дан ортиқ хонадони бор хонободликлар муттасил жавоб кутиб келишаётган эди. Самолётлар парвози, яъни пастлаб учиш натижасида хонободликларнинг уйлари ёрилиб, томлари шиферлари тўкилиб кетмоқда. Ариқлардаги сувлар беркитилган. Одамлар жиддий зарар кўрди – деҳқончиликдан ҳосил ололмади. Бунинг устига базанинг сим деворлари билан ўралган қишлоқ аҳли вилоятнинг бошқа туман ва қишлоқларига эмин-эркин чиқолмай қолдилар. Назорат остида яшаяптилар – биров киролмаса, биров чиқолмаса, ўз уйига ёки қариндошиникига ҳам паспорт кўрсатиб кириб-чиқса, тўй-ҳашам, ўлим-азада қатнашувчи қариндош-уруғлар Хонободга кириб-чиқиш учун минг бир азобли чиғириқлардан ўтишса, экология бузилиб бораётган, турли хил касалликлар тарқалаётган экан, шу ерлик халқнинг норозилигини ҳам ўринсиз, деб бўладими? Нима бало, буларнинг эрки, ҳуқуқи, қадр-қиммати чекланганми? Уларнинг инсондай яшашга ҳаққи йўқми? Улар демократиянинг инсонийлик таmойилидан бебаҳрами? Ахир, АҚШ ҳар доим демократияни пеш қилади-ку? Халқ ўз давлати раҳбариятидан АҚШ ҳарбийларини чиқиб кетишини кейинги пайтда узлуксиз талаб қилди. Ҳар қандай ҳукумат эса ўз халқининг талаб-мақсади билан ҳисоблашади, ўз халқига қулоқ тутади, унинг талабини қондириши лозим. Мана, қанча муаммо бор... Хорижлик мухбирлар шулар ҳақида ёзсинлар эди...

Бешинчидан, Ўзбекистон томони аэродром масаласида АҚШ Давлат Департаменти ва Пентагон раҳбариятига бир неча бор мурожаат этди. Уларда АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг мазкур базадан фойдаланиши Афғонистондаги ҳарбий кампаниянинг якунланиши билан узвий боғлиқлиги эслатиб ўтилган эди. Олти мартадан зиёд қилинган шу йўсиндаги мурожаатлар Андижон воқеаларидан олдин бошланган эди. 2002 йилнинг охирида бошланган бундай мурожаатлар хорижий журналистларни сира қизиқтирмайди. Тўғри-да, уларга бу фактларнинг нима кераги бор? Ўзбекистон фойдасига ҳал этиладиган фактлардан улар мутлақо кўз юмиб қўя қолишни ўзларига эп кўришади. Мана уларнинг ҳақиқатгўйлиги, мана уларнинг демократлиги... Хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг...

Ҳар қандай муносабатлар замирида мақсад ётади. Мақсадга етишгач эса, бир томон бошқа томоннинг манфаатларини йўққа чиқармаслиги, топтамаслиги лозим. Хонободдаги АҚШ ҳарбий базасининг чиқиб кетиши ҳақидаги Ўзбекистоннинг талаби шу пайтгача турли баҳоналар билан пайсалга солиб келинган экан, албатта бу ўринда келишилган битимга АҚШ томонидан амал қилинмаётгани, халқимиз ибораси билан айтганда, мард майдонда синалмагани, нотантилик қилинганлигидан далолатдир.

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**

# Янги дам олиш маскани

***Гулистон шаҳри кундан-кунга обод бўлиб, замонавий услубда қурилган бир-биридан гўзал ва муҳташам бинолар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Яқин-яқингача шаҳарнинг "Мустақиллик" ва "Ўзбекистон" кўчалари оралиғида эски пастқам уйлар бор эди.***

Улар ўрнида 1000 тупдан зиёд мевали, манзарали дарахтлар, турли гул кўчатлари экилиб, яшил майдон барпо этилди. Атрофига насослар ўрнатилиб, суғориш ишлари йўлга қўйилди.

Шу майдон ўртасида лойиҳа асосида янги амфитеатр қурилди. Икки минг кишига мўлжалланган ёзги бу дам олиш масканида гулистонликлар, шаҳарга келган меҳмонлар ҳордиқ чиқаришади, оила аъзолари билан хиёбонни айланиб, бепул бадиий томошалар кўрадилар. Ҳашар йўли билан қурилаётган бу масканда дам олиш кунлари спорт тадбирлари ўтказилади, таниқли санъаткорлар ва ҳаваскор хонандаларнинг концерт дастурлари намойиш қилиб борилади. Амфитеатр атрофида музқаймоқ, нон маҳсулотлари, ичимликлар, ширинликлар билан савдо қиладиган дўконлар ташкил қилинмоқда.




Мазкур мажмуа қурилишида бунёдкорлик ишларини асосан шаҳар коммунал фойдаланиш ва ободонлаштириш идоралари ишчи-хизматчилари амалга оширмоқда.

Майдоннинг тайёр қисмида турли кеча ва тадбирлар ўтказиш аллақачон бошлаб юборилган. Бу тадбирлар ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ҳар хил нохуш, нотўғри йўлларга берилиб қолмаслигининг олдини олиш, вилоят меҳнаткашларининг дам олиш вақтларини мароқли ўтказишларига қаратилган.

**Ўктамхон ХОЛДОРОВА**

# Акциядорлик Тижорат «Пахта Банк» мижозлари диққатига!

**Акциядорлик Тижорат «Пахта Банк» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» ги қарорига мувофиқ мижозларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини, депозит ҳисоб-рақамларидаги маблағларини, аҳоли омонатларини нақд пулда бериш вақтида банк филиаллари ва минибанклари ходимлари томонидан қонунбузарликларга йўл қўйилган тақдирда қуйидаги «Ишонч телефонлари» мизга хабар беришларингизни сўраймиз!**

## «Ишонч телефонлари» рақамлари

**«Пахта Банк» нинг Марказий идорасида 78-75-94, 173-25-01**
**Вилоят бошқармалари ва филиалларда**

| N п/п Номи | Телефон рақами |
|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республика бошқармаси** | 8 (36122) 2-35-09, 2-16-77. |
| **Филиаллари** | |
| 1.Кегайли | (36241) 2-12-90, |
| 2.Шуманай | (36234) 6-22-51, |
| 3.Қунғирот | (36231) 2-17-93, |
| 4.Мўйноқ | (36232) 2-23-81, |
| 5.Окманғит | (36242) 5-54-36, |
| 6.Тахтакўпир | (36243) 5-26-78, |
| 7.Тўрткўл | (36253) 2-23-70, |
| 8.Хўжайли | (36255) 4-17-15, |
| 9.Чимбой | (36244) 4-00-08, |
| 10.Беруний | (36252) 4-70-55, |
| 11.Қонликўл | (36233) 2-11-34, |
| 12.Қораўзак | (36246) 5-51-23, |
| 13.Бўстон | (36258) 5-17-10, |
| 14.Тахиатош | (36257) 2-57-82, |
| 15.Қозонкеткен | (36241) 5-32-66, |
| 16.Манғит | (36251) 5-18-84, |
| **Андижон вилоят бошқармаси** | 8-(37422) 4-39-48, 4-49-04. |
| **Филиаллари** | |
| 1.Асака | (3742) 33-13-77, |
| 2.Қорасув | (37472) 2-21-43, |
| 3.Пахтаобод | (37471) 1-13-60, |
| 4.Марҳамат | (37439) 1-11-03, |
| 5.Шаҳрихон | (37434) 2-46-88, |
| 6.Охунбобоев | (37475) 5-21-74, |
| 7.Хўжаобод | (37474) 1-16-05, |
| 8.Пойтуғ | (37431) 2-28-46, |
| 9.Балиқчи | (37432) 3-22-06, |
| 10.Олтинкўл | (37435) 22-19-85, |
| 11.Бўз | (37433) 22-18-34, |
| 12.Оқ-Олтин | (37476) 22-20-95, |
| 13.Кўрғонтепа | (37473) 1-32-00, |
| 14.Куйганёр | (37437) 24-52-92, |
| 15.Булоқбоши | (37477) 3-26-41, |
| 16.Чинобод | (37437) 3-26-96, |
| **Бухоро вилоят бошқармаси** | 8-(36522) 3-02-90, 3-85-53 |
| **Филиаллари** | |
| 1.Олот | (36534) 2-15-00, |
| 2.Вобкент | (36533) 2-14-66, |
| 3.Ғиждувон | (36557) 2-17-93, |
| 4.Шофиркон | (36550) 2-31-64, |
| 5.Қоракўл | (36556) 5-12-66, |
| 6.Ромитон | (36555) 2-10-31, |
| 7.Жондор | (36558) 2-14-01, |
| 8.Галаосиё | (36554) 2-34-45, |
| 9.Янги бозор | (36535) 3-27-50, |
| 10.Қоровулбозор | (36536) 4-13-88, |
| **Жиззах вилоят бошқармаси** | 8-(37222) 6-33-42, 6-25-33, |
| **Филиаллари** | |
| 1.Учтепа | (372) 226-46-69 |
| 2.Арнасой | (372) 226-35-12 |
| 3.Зарбдор | (372) 226-36-68 |
| 4.Пахтакор | (372) 226-13-74 |
| 5.Дўстлик | (372) 226-39-98 |
| 6.Мирзачўл | (372) 226-33-12 |
| 7.Зомин | (372) 226-31-54 |
| 8.Янгиқишлоқ | (372) 226-35-71 |
| 9.Зафаробод | (372) 226-56-55 |
| **Қашқадарё вилоят бошқармаси** | 8-(37522) 4-08-69, 4-08-72, |
| **Филиаллари** | |
| 1.Ғузор | (37555) 2-11-53 |
| 2.Деҳқонобод | (37561) 2-24-15 |
| 3.Қамаши | (37553) 2-48-50 |
| 4.Косон | (37559) 3-11-67 |
| 5.Шаҳрисабз | (37552) 2-73-60 |
| 6.Яккабоғ | (37558) 2-45-60 |
| 7.Бешкент | (37557) 2-13-81 |
| 8.Чироқчи | (37556) 3-16-50 |
| 9.Китоб | (37554) 2-77-56 |
| 10.Муғлон | (37564) 5-12-31 |
| 11.Янги Нишон | (37551) 2-14-72 |
| 12.Батош | (37522) 23-37-14 |
| 13.Янги Миришкор | (37565) 2-24-34 |
| 14.Муборак | (37567) 2-11-52 |
| 15.Помуқ | (37562) 2-51-41 |
| **Наманган вилоят бошқармаси** | 8-(36922) 4-48-39, 4-48-08, |
| **Филиаллари** | |
| 1.Шаҳар | (36922) 35-13-04, |
| 2.Жумашуй | (36945) 21-378 |
| 3.Косонсой | (36965) 21-487 |
| 4.Хаққулобод | (36961) 21-635 |
| 5.Поп | (36943) 31-303 |
| 6.Тўрақўрғон | (36944) 23-437 |
| 7.Уйчи | (36948) 21-991 |
| 8.Учқўрғон | (36946) 21-277 |
| 9.Чуст | (36942) 33-973 |
| 10.Янгикўрғон | (36963) 21-131 |
| 11.Тошбулоқ | (36947) 21-136 |
| 12.Чортоқ | (36941) 24-671 |
| **Навоий вилоят бошқармаси** | 8-(43622) 6-03-53, 4-75-41 |
| **Филиаллари** | |
| 1.Кармана | (43653) 2-37-00, |
| 2.Конимех | (43651) 2-14-41, |
| 3.Кескантерак | (43656) 2-16-58, |
| 4.Қизилтепа | (43655) 5-25-09, |
| 5.Янгиробод | (43654) 5-20-36, |
| 6.Томди | (43658) 2-21-61, |
| 7.Нурота | (43652) 3-11-51, |
| **Самарқанд вилоят бошқармаси** | 8-(3662) 31-05-12, 33-37-04 |
| **Филиаллари** | |
| 1.Лоиш | (3662) 31-08-82 |
| 2.Оқтош | (3662) 31-08-95 |
| 3.Жомбой | (3662) 31-08-86 |
| 4.Жума | (3662) 31-08-98, |
| 5.Пайшанба | (3662) 31-08-70 |
| 6.Сиёб | (3662) 35-70-97 |
| 7.Нуробод | (3662) 31-08-76 |
| 8.Пойариқ | (3662) 31-08-68 |
| 9.Зиёвуддин | (3662) 31-08-92 |
| 10.Ургут | (3662) 43-02-40 |
| 11.Гўзалкент | (3662) 31-08-75 |
| 12.Иштихон | (3662) 31-08-90 |
| 13.Кўшрабод | (3662) 31-08-96 |
| 14.Каттақўрғон | (3662) 33-22-22 |
| 15.Челак | (3662) 31-22-46 |
| 16.Гулобод | (3662) 33-64-71 |
| **Сурхондарё вилоят бошқармаси** | 8-(37622) 2-79-31, 2-79-04 |
| **Филиаллари** | |
| 1.Бойсун | (37633) 5-17-08, |
| 2.Денов | (37641) 2-17-34, |
| 3.Жарқўрғон | (37643) 2-16-44, |
| 4.Музрабод | (37634) 9-15-38, |
| 5.Шерабод | (37632) 2-16-36, |
| 6.Шўрчи | (37645) 5-20-95, |
| 7.Узун | (37644) 3-23-45, |
| 8.Ангор | (37631) 2-19-10, |
| 9.Янгийўл | (37635) 9-19-87, |
| 10.Қумқўрғон | (37646) 5-24-52, |
| 11.Учқизил | (37636) 3-25-98, |
| 12.Қарлуқ | (37647) 5-55-52, |
| 13.Сариосиё | (37648) 3-10-79, |
| 14.Бандихон | (37642) 4-12-74, |
| **Сирдарё вилоят бошқармаси** | 8-(36722) 5-06-88, 5-26-61 |
| **Филиаллари** | |
| 1.Пахтаобод | (36724) 25-16-99 |
| 2.Боёвут | (36732) 2-15-59 |
| 3.Фарҳод | (36736) 4-34-38 |
| 4.Сайхунобод | (36733) 3-34-74 |
| 5.Наврўз | (36738) 1-14-31 |
| 6.Сирдарё | (36757) 57-42-98 |
| 7.Деҳқонобод | (36775) 6-20-62 |
| 8.Янгиер | (36772) 72-37-51 |
| 9.Меҳнатобод | (36739) 25-19-94 |
| 10.Ширин | (36764) 64-33-93 |
| 11.Сардоба | (36731) 43-12-57 |
| **Тошкент вилоят бошқармаси** | 8-(371) 144-32-95, 144-09-82 |
| **Филиаллари** | |
| 1.Оққўрғон | (37255) 2-14-28 |
| 2.Бўка | (37257) 3-51-37 |
| 3.Зафар | (37298) 5-23-08 |
| 4.Пискент | (37254) 5-23-88 |
| 5.Дўстобод | (37256) 7-22-61 |
| 6.Тўй-Тепа | (37276) 2-17-31 |
| 7.Чиноз | (37250) 3-12-76 |
| 8.Янгибозор | (37298) 3-14-39 |
| 9.Паркент | (37272) 2-25-76 |
| 10.Янгийўл | (37260) 2-37-38 |
| 11.Гулбаҳор | (37258) 6-11-65 |
| **Фарғона вилоят бошқармаси** | 8-(37322) 4-28-61, 4-08-41 |
| **Филиаллари** | |
| 1.Олтиариқ | (37343) 3-22-38 |
| 2.Боғдод | (37347) 91-5-03 |
| 3.Водил | (37335) 2-14-02 |
| 4.Данғара | (37357) 2-12-39 |
| 5.Учкўприк | (37351) 5-12-97 |
| 6.Бешариқ | (37361) 2-28-77 |
| 7.Лангар | (37315) 5-14-33 |
| 8.Кувасой | (37337) 3-23-26 |
| 9.Риштон | (37345) 2-35-59 |
| 10.Тошлоқ | (37338) 38-46-46 |
| 11.Янгикўрғон | (37352) 9-12-63 |
| 12.Марғилон | (3733) 33-44-65 |
| 13.Кува | (37331) 5-18-34 |
| 14.Яйпан | (37353) 9-15-97 |
| 15.Ўкув | (3733) 33-05-45 |
| 16.Ёзёвон | (37341) 2-10-83 |
| 17.Сўх | (37346) 2-54-02 |
| 18.Фурқат | (37354) 9-18-46 |
| 19.Кўқон | (37355) 2-66-25 |
| **Хоразм вилоят бошқармаси** | 8-(36222) 6-89-76, 6-45-56 |
| **Филиаллари** | |
| 1.Гурлан | (36236) 5-12-71 |
| 2.Боғот | (36231) 5-43-14 |
| 3.Хазорасп | (36233) 2-19-41 |
| 4.Хонқа | (36239) 9-11-45 |
| 5.Хива | (36237) 5-57-86 |
| 6.Янгиариқ | (36238) 5-31-94 |
| 7.Қўшкўпир | (36232) 9-21-88 |
| 8.Шовот | (36234) 5-45-28 |
| 9.Қараул | (36235) 2-10-76 |
| 10.Питнак | (36230) 5-20-05 |
| 11.Янгибозор | (36241) 9-42-91 |
| 1.Бектемир филиали | (3712) 195-02-27 |
| 2.Чилонзор филиали | (3712)173-09-89 |


**ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН**

автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

**ШИНАЛАРНИ**

**сотади:**



ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Тел.: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21

*Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.*



ROSAVA · DNEPROSHINA ДНЕПРОШИНА · ИСТОК

ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

**Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:**

*Наманган ш.,Дўстлик шоҳкўчаси,1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.*
*Андижон ш.,Мирпустин к.,20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.*
*Данғара ш.,Тошкент к.,74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.*
*Термиз ш.,Ч.Сафаров к.,80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.*


## РАТБ "Ғаллабанк" акциядорлари диққатига!

### Муҳим фактлар тўғрисидаги 05-сонли маълумот

Банк Кенгашининг 2005 йил 1 августдаги 5-сонли йиғилиш баённомасига асосан банкнинг эгаси ёзилган имтиёзли акцияларига 2005 йил учун биринчи оралиқ дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

2005 йил учун биринчи оралиқ дивидендларни олишга ҳақли бўлган акциядорлар рўйхати 2005 йил 1 июл ҳолатига тузилди.

Банкнинг эгаси номи ёзилган имтиёзли акциялари бўйича Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир акциянинг номинал қийматига нисбатан 8 фоиз миқдорида белгиланиб (ҳар бир 100 сўмлик акцияга 8 сўмдан), ушбу акциялар бўйича дивиденд тўловлари пул маблағи шаклида амалга оширилади.

**Ушбу эълон қилинган дивидендлар бўйича тўлов 2005 йилнинг 20 августидан бошлаб РАТБ "Ғаллабанк"нинг барча филиаллари томонидан амалга оширилади.**


Товар сертификатланган

**"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ**

Тошкентдаги омборхонадан Россия ва Украина заводларида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобиллари ҳамда қишлоқ хўжалик (ғалласўриш комбайни, тракторлар Т-150, МТЗ, МХ-135, ТТЗ) шиналарини таклиф қилади

**Пул ўтказиш йўли билан ғалла ва пахтанинг 23210, 23220 траншларини ҳам қабул қилади.**





**Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26-уй**
**Тел.: 77 1210, 77 1451, 79 9468, 1037234, 1263654**

A3


Ўзбекистон жаҳон тиллари университети томонидан 1993 йили Бекмуродова Лола Раҳимовна номига инглиз тили мутахассислиги бўйича берилган ФВ туркумидаги № 994524 рақамли (реестр рақами 179) диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ томонидан ООО "Kimsan-biznes" фирмасига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "INTRAKO-S" сообщает об уменьшении Уставного фонда с 215 миллион сўм до 90 миллион 173 тысяча сўм.


## Фермер, деҳқон-фермер, ширкат хўжаликлари ва МТПлар диққатига!



Respublika qishloq xojaligi texnikasi va ehtiyot qismlar базасининг Тошкент шўъба корхонаси Тошкентдаги ва Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги, Бухоро вилояти Шофиркон тумани ҳамда Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани ваколатхоналари омборхоналаридан Россия Федерацияси заводларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги комбайнлари учун 21.3 R-24 ФД-14А (Нива, Дон, Колос ва Т-150) шиналари ҳамда ременларни пул ўтказиш йўли билан таклиф қилади. Маҳсулотларимизнинг сифати ва нархи Сиз, азизларни, албатта қониқтиради. Шунингдек, пахта ва ғалла (23210..., 23220..., 23204...) траншларини ҳам қабул қиламиз.

**Мурожаат учун телефонлар: (8 371) 41-49-43, 135-71-87, 135-72-16 – Тошкент**
**(8 361) 533-12-83 – Тўрткўл тумани ваколатхонаси**
**(8 365) 502-27-29 – Шофиркон тумани ваколатхонаси**
**(8 366) 39-10-39 – Пастдарғом тумани ваколатхонаси**


Мухамедова Лола Сабировна намерена приобрести акции простые именные ОАО "Ипак йўли автотранс" (г.Ташкент, ул.Строительная, 3) в количестве 11238 штук – 28,3 % от Уставного фонда.

